

Тавфиқ ҳам неъматдир



14:51 / 16.11.2025 908

Бу ҳақда Таҳонавий раҳматуллоҳи алайҳ шундай деганлар: «Раҳмат пайдо бўлади. Кейин у бошқаради. Ҳузур унга эргашади, яъни ўз навбатида у ҳам ҳозир бўлади». Асл нарса Аллоҳнинг раҳмати, яъни амал қилишга тавфиқнинг берилишидир. Мана шунинг ўзи улуғ неъмат. Уни қадрланг ва шукр қилинг. Бу раҳмат сизга раҳбарлик қиляпти. «Ҳузур» ҳам «раҳмат»га итоаткордир. Навбати келса, у ҳам пайдо бўлади. Нима, у ҳам ҳозир бўлиши зарурми? Йўқ, ҳечам зарур эмас. Агар бутун умр ҳузур ҳосил бўлмаса, унда ҳам бирор зарар йўқ.

Лаззат ва кайфият мақсад эмас

Асл мақсад амал қилишдир. Амал орқали ҳосил бўладиган кайфият мақсад эмас. Масалан, амал натижасида лаззат туғиляпти, ҳузур бўляпти, йиғи келяпти. Бу нарсалар асл мақсад эмас. Агар ҳосил бўлса, у ҳолда

Аллоҳнинг неъматларидан. Ҳосил бўлмаса ҳам, бирор зарар йўқ. Асл мақсад амал экан, шуни қилинг, шунга қайғуринг. Хоҳ у амал тиловат бўлсин, намоз ёки бирор бошқа амал бўлсин, қилаверинг.

«Насиҳатлар гулдастаси» китобидан

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 4 апрелдаги 02-07/2234-рақамли ва 2023 йил 23 мартдаги 03-07/1912-рақамли хулосалари асосида тайёрланди.